Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

N 27 (312) • 2011 йил 5 июль

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Олий Мажлис
Қонунчилик палатасида

## ФУҚАРОЛАР СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШ ВА УЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди, унда депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.***

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилинишини, шунингдек, таркибидаги инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарарли моддалар миқдори йўл қўйиладиган энг юқори меъёрдан ортиқ бўлган алкоголь ва тамаки маҳсулотини импорт қилиш тақиқланишини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар белгилаб қўйилаётган «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди ва маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

Шунингдек, «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва бошқа қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилиб, депутатлар томонидан маъқулланди ва биринчи ўқишда қабул қилинди.

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари саволлар ва таклифлар билан сўзга чиқдилар. Муҳокама манфаатдорлик билан, қарашларнинг ўзаро рақобати муҳитида ҳамда партия дастурлари ва сайловчилар фикрларини ҳисобга олинган ҳолда эркин баҳслар вазиятида ўтди. Қонун лойиҳаларини янада такомиллаштиришга қаратилган муҳим амалий таклифлар уларни маромига етказишда ҳисобга олинади.

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.***

**Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига**

## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ САМАРАЛАРИ

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган изчилислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Айниқса, автомобилсозлик соҳасида эришган улкан ютуқларимиз халқимиз қалбида чексиз фахр-ифтихор уйғотаётир.***

Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган Асакадаги автомобиль заводи бугунги кунга келиб иқтисодий салоҳиятимизни ошириш, Ўзбекистон номини дунёга танитишда муҳим ўрин тутмоқда. Заводда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар юқори сифати, ўзига хос дизайни билан ички ва ташқи бозорда истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. Ўтган йиллар давомида юртимизда автомобилсозлик соҳаси янада такомиллаштирилиб, янги-янги лойиҳалар амалга оширилаётир.





Автомобиллар учун бутловчи ва эҳтиёт қисмларни ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани мазкур соҳанинг бир бутун тармоқ бўлиб шаклланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури асосида мамлакатимизда юзга яқин бутловчи қисмлар тайёрлайдиган корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Уларда аккумулятор, автоойналар, ёқилғи баклари, глушитель, ўриндиқлар, бампер, жгут ва двигателлар учун симлар, автобўёқ каби кўплаб бутловчи ҳамда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Фарғона шаҳридаги «Автоойна» очиқ акциядорлик жамияти юртимизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларга ойналар етказиб беради. Ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш, янги қувватларни ўзлаштириш ҳисобига корхона маҳсулотлари тури янада ошди. Замонавий технологияларнинг ишлаб чиқаришга кенг жорий этилиши ва изланишлар самарасида автомобиль ойналари сифати жаҳон стандартлари талабларига тўла мослаштирилди.

Корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида кенг миқёсли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда дастлаб «Нексия», «Тико» ҳамда «Дамас» автомобиллари учун ойналар ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирги кунга келиб ушбу маҳсулотлар «Матиз» ҳамда бошқа автомобиллар учун ҳам тайёрланмоқда.

«Қўқонмаш» акциядорлик жамиятида ҳам ўтган йиллар ичида бир қатор янги лойиҳалар амалга оширилди.

– 1999 йилдан буён Асакадаги автомобиль заводи буюртмаси асосида иш олиб бормоқдамиз, – дейди корхона директори Владимир Самойлов. – Дастлаб 4 хил бутловчи қисм тайёрлаган бўлсак, ҳозир маҳсулотларимиз тури 34 тага етди.

Маҳаллий хомашёдан тайёрланаётган эшик ушлагичлари, усилитель, кронштейн, хомут, траверса каби бутловчи қисмлар ўзининг юқори сифати билан ажралиб туради. Ўтган йили корхонада «Матиз» автомобили учун ричаглар тайёрлаш йўлга қўйилди. Айни кунларда бу ерда тайёрланган яна учта янги бутловчи қисм Асакадаги автомобиль заводида синовдан ўтказилмоқда.

Вилоятда ушбу йўналишдаги янги лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бу эса маҳаллий хомашё асосида сифатли ва халқаро талабларга мос маҳсулот ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилаётир.

«Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширган уч лойиҳаси асосида автомобилларга бутловчи қисмлар ишлаб чиқарадиган корхоналар сони янада ортди. Мазкур лойиҳага кўра, Фарғона туманида иш бошлаган «Фарғонаавтогласс» корхонасида «Ласетти», «Нексия» автомашиналари учун капсулланган ойналар ишлаб чиқарилмоқда. 1,4 миллион АҚШ доллари эвазига энг замонавий технологиялар ўрнатилгач, корхона йилига 130 минг комплект ойна ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Ўзбекистон туманидаги «Uz Dong Yang Fargona» масъулияти чекланган жамиятида ҳам маҳаллий хомашё асосида автомобиллар учун пластик жиҳозлар тайёрланмоқда.

Олтиариқ туманида иш бошлаган «Ferae» масъулияти чекланган жамиятида эса автомобиллар учун металл компонентлар тайёрланаётир. Корхонада «Нексия», «Матиз» ва «Дамас» автомашиналари учун йилига 190 минг комплект 29 турдаги металл компонентлар ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Мазкур корхоналарнинг ишга тушиши натижасида 200 га яқин янги иш ўрни яратилди.

***М.СУЛАЙМОНОВ,***
***ЎзА мухбири.***
***ЎзА суратлари.***



# ИМТИЁЗЛИ ОБУНА БОШЛАНДИ!

СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

Иқтисодий-ҳуқуқий газета НОРМА МАСЛАҲАТЧИ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

«Norma газеталари бирлашган таҳририяти» МЧЖ анъанага кўра «Солиқ ва божхона хабарлари» + «Норма маслаҳатчи» газеталари комплектиға 2012 йилги имтиёзли обуна кампаниясини бошлаб, муштарийларига

**ОФИСДАН ЧИҚМАСДАН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШни таклиф қилади.**

Ишончли маслаҳатчингиз бўлмиш газеталарга «Солиқ ва божхона хабарлари» газетасининг 2011 йил 1 июлдаги 27-сонининг 15-16-бетларида чоп этилган оммавий офертадан фойдаланиб 2012 йил учун имтиёзли обунани расмийлаштиришингиз мумкин.

Июль-август ойларида газеталар комплектига йиллик обуна бўлган ҳар бир обуначи қуйидаги совғаларни олиш имкониятига эга бўлади:

**1. «Моҳир тахлам» – «Умная подшивка»** маълумотлар базаси. Унда газеталарда чоп этилган муҳим материаллар тизимлаштирилган. «Моҳир тахлам»– «Умная подшивка» Интернет орқали ҳар ҳафтада янгилаб борилади.

**2. Учта совғабоп рисола.** Рисолалардаги қимматли ахборотлар ўқувчиларимиз учун фойдалидир.

**3. Бевосита мулоқот ўрнатиш.** Бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш ва бизнес ишини юритишнинг ҳуқуқий асосларига доир масалалар бўйича экспертларимиз обуначиларнинг саволларига телефон орқали бепул жавоб беришади.

**4. Дисконт дастури:**

– **«restoran.uz»** дисконт картаси 2012 йил давомида дисконт дастурининг ҳамкори бўлмиш Тошкент шаҳридаги кафе ва ресторанларда 5 фоиздан 30 фоизгача чегирмалар олиш имконини беради;

– **«Normальная карта»** – у 2012 йил давомида офис ва оила учун зарур бўлган кенг турдаги товарлар (хизматлар)ни дисконт дастурининг ҳамкори бўлмиш ташкилотлардан 3 фоиздан 30 фоизгача чегирмалар билан харид қилиш имконини беради;

– **«Дисконтбук».** Бу дафтарчадаги қирқиб олинувчи чегирмали купон тақдим этилганда, Тошкент шаҳридаги дисконт дастурининг ҳамкори бўлмиш ташкилотлар офис ва оила учун зарур бўлган маҳсулот (хизмат)ларни 5 фоиздан 30 фоизгача чегирма билан реализация қиладилар.

Ахборот учун: тел. **(8-371) 200-00-30** ва сайт: ***www.norma.uz***


УШБУ СОНДА


3-бет **«Ишонч телефони»: истеъмолчи мурожаатлари**

4-бет **Муддати ўтган қарз қандай аниқланади?**

5-бет **Саволни пенсионерлар беради**

6-бет **Бизнес оламы: ким билан қандай гаплашиш керак?**


**$1 = 1713,80 сўм   €1 = 2451,01 сўм   £1 = 2730,08 сўм   ¥10 = 212,24 сўм**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР ЮРИДИК ШАХС ТАШКИЛ ЭТМАСДАН ШУҒУЛЛАНИШИ МУМКИН БЎЛГАН ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ РЎЙХАТИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Юридик шахс ташкил этмасдан хусусий тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишини янада тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 1-сон, 3-модда) билан тасдиқланган Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2011 йил 10 июнь*
*170-сон.*

*ЎзР ВМнинг*
*2011 йил 10 июндаги 170-сон қарорига*
*ИЛОВА*

### ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2011 ЙИЛ 7 ЯНВАРДАГИ 6-СОН ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР ЮРИДИК ШАХС ТАШКИЛ ЭТМАСДАН ШУҒУЛЛАНИШИ МУМКИН БЎЛГАН ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ РЎЙХАТИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. II бўлим қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

| | |
|---|---|
| II | Қонун ҳужжатларида белгиланган рўйхат бўйича ҳунармандчилик фаолияти. |

2. 9-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

| | |
|---|---|
| 9 | Тикув, мўйна, чарм ва трикотаж буюмларни, бош кийимларни, тўқимачилик галантереясидан тикилган буюмларни таъмирлаш ва тикиш, шу жумладан дераза ва эшик пардаларни тикиш, трикотаж буюмларни тўқиш. |

3. 18-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

| | |
|---|---|
| 18 | Ёғочдан ва алюминий (пластик) профилдан эшик, дераза ва бошқа буюмлар (мебелдан ташқари) тайёрлаш. |

4. 23-банддаги «тозалаш» сўзи «тайёрлаш» сўзи билан алмаштирилсин.
5. III бўлимга қуйидаги мазмундаги 35-1-банд қўшилсин:

| | |
|---|---|
| 35-1 | Хўжалик моллари ва уй-рўзғор буюмларини (мебель, идиш-товоқлар, хўжалик, спорт, балиқчилик анжомлари, маиший техника, приборлар ва бошқаларни) ижарага бериш. |

6. 36-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

| | |
|---|---|
| 36 | Миллий ширинликлар, нон-булка ва қандолатчилик маҳсулотлари, поп-корн, фризерда музқаймоқ, салатлар ва тузламалар тайёрлаш ва сотиш, шунингдек уй шароитларида ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан ажратилган махсус жойларда ўтириш жойлари ташкил этмасдан доналаб сотиладиган таомларнинг айрим турларини тайёрлаш. |

7. 43-бандга «шунингдек рассомлик санъати» сўзлари қўшилсин.
8. Қуйидаги мазмундаги 68-74-бандлар қўшилсин:

| | |
|---|---|
| 68 | Жисмоний ва юридик шахсларга махсус техникадан (тракторлар, автокранлар, бульдозерлар, экскаваторлар ва бошқалардан) фойдаланган ҳолда хизматлар кўрсатиш. |
| 69 | Илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар учун пудрат шартномаси бўйича ишларни бажариш. |
| 70 | Матрицали принтерлар ва алфавит-рақам ёзадиган қурилмалар учун бўёвчи тасмаларни тайёрлаш ва қайта ишлаш. |
| 71 | Қоғозлар ва скоросшивателлар учун конвертлар, папкалар тайёрлаш. |
| 72 | Телекоммуникациялар операторларига, провайдерларига воситачилик хизматлари кўрсатиш (салоҳиятли абонентларни излаш, абонентлар ёки хизматлар кўрсатувчилар билан абонентлик шартномаларни тузиш ва уларга маълумот-ахборот хизмати кўрсатиш, хизмат кўрсатувчиларнинг хизмати учун тўловларни қабул қилиш). |
| 73 | Ташкилотлар учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (хом сут, сабзавотлар, мевалар, асал, тери ва мўйна) тайёрлаш бўйича хизматлар. |
| 74 | Пахта (илгари истеъмолда бўлган) ва жун тозалаш ҳамда титиш хизматлари. |

9. Изоҳга қуйидаги мазмундаги хат боши қўшилсин:
«Ушбу Рўйхат доирасида ўз фаолиятини амалга оширадиган хусусий тадбиркорлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишлари мумкин».

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ

***Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.***

NORMA www.norma.uz

## ДИЗАЙН МАРКАЗИ

**Президентнинг 2011 йил 17 июндаги ПҚ-1554-сон қарори билан миллий анъаналарни ва иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда либосларнинг талаб қилинган замонавий моделлари ишлаб чиқилишини ташкил этишни такомиллаштириш, шунингдек маҳаллий енгил саноат маҳсулотларини халқаро бозорларга кенг кўламда киритиш мақсадида «Ўзбекенгилсаноат» ДАК ҳузурида Дизайн маркази ташкил этишга қарор қилинди.**

Дизайн марказининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишларига енгил саноат буюмларини истиқболли моделлаштириш, жаҳон модаларининг энг янги тамо-йилларини ўрганиш, енгил саноат маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорлари маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш; дизайннинг модель бизнеси ва кийим-кечак ишлаб чиқариш соҳасига ихтисослашаётган халқаро эътироф этилган етакчи марказлари билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш ва уларнинг илғор тажрибасини ўрганиш; харажатларни ҳисобга олишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рентабеллигини таъминлаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда ва уларнинг янги турларини жаҳон бозорига киритишда маҳаллий енгил саноат ташкилотларига кўмаклашиш; маҳаллий ва хорижий дизайнерлар либослари моделларининг намо-йишларини, конференциялар, кўргазмалар, услубий семинарлар ва маҳорат дарсларини ташкил этиш ва бошқалар киради.

Ҳужжат билан Дизайн маркази ходимларининг сони 35 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 9 нафар бўлган ташкилий тузилмаси тасдиқланди.

«Ўзбекенгилсаноат» ДАК **Дизайн марказига хоналарни бериш айланмаси бўйича ҚҚС ва юридик шахсларнинг фойда солиғи, шунингдек унга берилган мол-мулк ва майдонлар бўйича мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўлашдан озод қилинди** *(Дизайн марказига хоналар ижара тўловини ундиришсиз берилади).*

Бюджетдан ажратиладиган маблағлар билан бирга, ўз хўжалик фаолиятидан олинган маблағлар, шу жумладан пулли хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар, хайрия эҳсонлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан

## ДИҚҚАТ!
## «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»ГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!

**Агар сиз сотиб олган маҳсулотингизга харид чеки бермаган, сифат сертификати ёки маҳсулотнинг яроқлилик даражасини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмай туриб савдо фаолиятини юритаётган ёхуд бошқа ноқонуний фаолият билан шуғулланаётган тадбиркорлар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда ҳудудий давлат солиқ идораларининг қуйидаги ишонч телефонларига хабар беринг.**

| | | |
|---|---|---|
| Давлат солиқ қўмитаси | 8-371 | 244-98-98 |
| Қорақалпоғистон Республикаси ДСБ | 8-361 | 222-00-33 |
| Андижон вилояти ДСБ | 8-374 | 222-14-77 |
| Бухоро вилояти ДСБ | 8-365 | 223-16-89 |
| Жиззах вилояти ДСБ | 8-372 | 226-23-23 |
| Навоий вилояти ДСБ | 8-436 | 0-62 |
| Наманган вилояти ДСБ | 8-369 | 226-81-86 |
| Самарқанд вилояти ДСБ | 8-366 | 234-06-16 |
| Сирдарё вилояти ДСБ | 8-367 | 225-11-20 |
| Сурхондарё вилояти ДСБ | 8-376 | 223-29-64 |
| Фарғона вилояти ДСБ | 8-373 | 224-35-57 |
| Хоразм вилояти ДСБ | 8-362 | 227-13-67 |
| Қашқадарё вилояти ДСБ | 8-375 | 225-10-82 |
| Тошкент вилояти ДСБ | 8-371 | 150-49-56 |
| Тошкент шаҳар ДСБ | 8-371 | 244-54-86 |

**Бу билан сиз жамият олдида ўз фуқаролик бурчингизни бажариш билан бир қаторда ноқонуний фаолият билан шуғулланаётган сохта тадбиркорлар фаолиятига чек қўйишга ҳамда нақд пул маблағларининг банк кассаларига вақтида келиб тушишига ҳиссангизни қўшган бўласиз.**

***ДСҚ Ахборот хизмати.***

## УШБУ СОНДА:

✓ **УСТУВОРЛИКЛАР**
– Фуқаролар соғлиғини сақлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари
– Маҳаллийлаштириш дастури самаралари
– Имтиёзли обуна бошланди! *1-бет*
✓ **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– ЎзР ВМнинг «Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори
– Истеъмолчилар нималар тўғрисида мурожаат қилишмоқда? *2-3-бетлар*
✓ **БЕВОСИТА МУЛОҚОТ**
– Текширилмаслик шартлари
– Бюджет ташкилотининг ходими касал бўлса...
– Офисни... ўз ҳисобимдан таъмирлайманми? *4-бет*
✓ **ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ**
– Пенсиянинг базавий миқдори ҳисобига доир...
– Директор бўлган эдим
– Ногиронга – аттестацияланган ўрин *5-бет*
✓ **СЎНГСЎЗ ЎРНИДА**
– Амалий мулоқот илми *6-бет*
✓ **top** *7-8-бетлар*

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 30.06.2011 | 1 | 0,7867 | 1 | 1,1414 | 1 | 0,0281 |
| Арманистон | 30.06.2011 | 1 | 368,86 | 1 | 534,26 | 1 | 13,24 |
| Беларусь | 1.07.2011 | 1 | 4945,00 | 1 | 7168,27 | 1 | 177,41 |
| Грузия | 1.07.2011 | 1 | 1,6628 | 1 | 2,4066 | 1 | 5,9657 |
| Қозоғистон | 1.07.2011 | 1 | 145,83 | 1 | 211,19 | 1 | 5,23 |
| Қирғизистон | 1.07.2011 | 1 | 45,284 | 1 | 64,7089 | 1 | 1,6062 |
| Латвия | 1.07.2011 | 1 | 0,485 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0173 |
| Литва | 1.07.2011 | 1 | 2,3818 | 1 | 3,4528 | 10 | 8,5437 |
| Молдова | 30.06.2011 | 1 | 11,6069 | 1 | 16,75 | 1 | 0,4148 |
| Тожикистон | 1.07.2011 | 1 | 4,6675 | 1 | 6,7557 | 1 | 0,1684 |
| Ўзбекистон | 28.06.2011 | 1 | 1713,80 | 1 | 2451,01 | 1 | 60,85 |
| Украина | 30.06.2011 | 100 | 797,23 | 100 | 1150,0043 | 10 | 2,8396 |
| Эстония | 31.12.2010 | 1 | 11,7107 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,383246 |

*Манба: www.prime-tass.ru*

# ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

тақиқланмаган бошқа манбалар Дизайн маркази фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгиланган.

Дизайн маркази **2016 йил 1 январгача солиқларнинг барча турларини тўлашдан,** шунингдек **фаолиятининг асосий тури бўйича Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган.**

## ТЕННИСЧИЛАР ЗАХИРАСИ ЁШАРДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 июндаги 179-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 июндаги «Республика олимпия захиралари теннис мактабининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 132-сон қарорига ўзгартиришлар киритилди.** Уларга биноан Республика олимпия захиралари теннис мактабига ҳар йили 12 нафаргача иқтидорли, қоидага кўра, 11-12 ёшдаги спортчилар 5 йил муддатга ўқиш учун қабул қилинади, спортчиларнинг умумий контингенти 60 нафар (олдин ҳар йили 20 нафаргача 13-14 ёшдаги иқтидорли спортчилар 5 йил муддатга ўқиш учун қабул қилинган). Юксак спорт натижаларига эга бўлган 11 ёшдан кичик спортсменларни қабул қилиш имконияти ҳам назарда тутилган.

## НОМЛАНИШИ ЎЗГАРТИРИЛДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 20 июндаги 183-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 28 февралдаги 50-сон ҳамда «Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2011 йил 1 мартдаги 52-сон қарорларини ижро этиш мақсадида ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилди.** Уларга биноан ҳукуматнинг бир қатор қарорларида халқ таълими бўлимлари ҳамда касбга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларига алмаштирилди.

## ҚАЙТА СОТИШ ҲУҚУҚИСИЗ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 июндаги 185-сон қарори билан маҳсулотларнинг қўшимча монопол турлари рўйхати тасдиқланди ҳамда уларни биржа савдоларига қўйишнинг энг кам ҳажми белгиланди.** *(«СБХ»нинг 2011 йил 1 июлдаги 27 (883)сонида чоп этилган).* Рўйхатга техник мойлар, печка ёқилғиси, техник керосин, техник олтингугурт, кальцинацияланган сода, нитрон тола, бинокорлик ойнаси, сирка кислотаси ва ацетат ип киритилди.

2011 йил 1 июлдан бошлаб ушбу маҳсулотларни сотиш Моддий-техника ресурслари стратегик турларини сотишнинг махсус тартиби тўғрисидаги низомнинг *(Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 57-сон қарорига 3-илова, бундан кейин – 57-сон Низом)* I бўлимига мувофиқ амалга оширилади. Ишлаб чиқарувчи ташкилотлар маҳсулотларни мажбурий тартибда биржа савдоларига қўядилар, 2011 йил учун улар бўйича муддатини узайтириш ҳуқуқисиз шартномалар тузилган ҳажмлар бундан мустасно. Биржа савдоларида сотиб олинган маҳсулотларнинг монопол турларидан фақат ўз эҳтиёжлари учун ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланилиши керак. Уларнинг қайта сотилиши ҳоллари аниқланган тақдирда қайта сотишдан олинган даромад бюджетга олиб қўйилади ва олинган даромад суммасининг 50 фоизи миқдорида жарима солинади.

Шунингдек 2011 йил 1 июлдан бошлаб ўрнатилган тартибга кўра, ушбу қарорга 1-иловада, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг юқорида айтиб ўтилган 57-сон қарорига 1 ва 2-иловаларда кўрсатилган маҳсулотлар стратегик ва монопол турларининг календарь ой якунларига кўра тўғридан-тўғри шартномалар бўйича экспортга ва ички бозорга сотилмаган ҳажмлари ишлаб чиқарувчи ташкилотлар (сотувчилар) томонидан мажбурий тартибда биржа савдоларига қўйилади.

Ҳужжат билан 57-сон Низомга ўзгартиришлар киритилди. Уларга мувофиқ давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар ҳамда нефть базалари ўртасида тузиладиган шартномалар бўйича автомобиль бензини ва дизель ёқилғиси **бюджет маблағлари ҳисобига** ажратилган лимитларга мувофиқ, шунингдек давлат стратегик захирасини тўлдириш ва янгилаш учун ҳақи олдиндан 100 фоиз тўланган ҳолда сотилади. Бунда бюджет ташкилотлари энди автомобиль бензини ва дизель ёқилғисини биржа савдолари орқали бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига сотиб олишлари мумкин.

Автомобиль бензини Олмалиқ, Навоий кон-металлургия комбинатлари, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, шаҳар йўловчи ташиш корхоналарига (автобусларда йўловчи ташиш учун) «Ўзбекнефтгаз» МХК томонидан белгиланган нархлар бўйича, дизель ёқилғиси эса – нефтни қайта ишлаш заводининг нефть базаларигача етказиб бериш учун ташиш тўловлари ва нефть базаларининг устама нархлари улгуржи-сотиш нархлари йиғиндиси сифатида ҳосил бўладиган нархлар бўйича сотилади.

Кейинчалик аҳолига сотиш учун мўлжалланган автомобиль бензини ва дизель ёқилғисининг бозор фондини сотиш тегишли лицензияга эга бўлган автомобиль ёқилғиси қуйиш шохобчалари орқали амалга оширилади. Улар томонидан автомобиль бензини ва дизель ёқилғисини сотиб олиш нефть базалари билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича нефтни қайта ишлаш заводининг нефть базаларигача етказиб бериш учун ташиш тўловлари ва нефть базаларининг устама нархлари улгуржи-сотиш нархлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва ҳолатларда нархга киритиладиган суммалар йиғиндиси сифатида ҳосил бўладиган нархлар бўйича амалга оширилади. АЁҚШ автомобиль бензини ва дизель ёқилғисини аҳолига қатъий белгиланган нархлар бўйича сотадилар.

Қолган ҳолларда автомобиль бензини ва дизель ёқилғиси очиқ биржа савдолари орқали сотилади. Бунда бошланғич нарх автомобиль бензинига – белгиланган нархлар бўйича, дизель ёқилғисига – ҳосил бўладиган нархлар бўйича белгиланади.

## ТАЪЛИМ ОЛИШГА ЭҲТИЁЖДАН КЕЛИБ ЧИҚИЛДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 июндаги «2011/2012 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига қабул тўғрисида» 186-сон қарори билан иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида аниқ касблар бўйича коллежлар битирувчиларига амалдаги эҳтиёждан келиб чиқиб 2011/2012 ўқув йилидан бошлаб 59 та касб-ҳунар коллежи касблар ва мутахассисликларни кенгайтирган ва унификация қилган ҳолда қайта ихтисослаштирилди.**

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказига манфаатдор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда қайта ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни зарур ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, ўқув ва услубий адабиётлар, шунингдек улардаги мутахассисликларнинг ўзгарган номенклатурасига мувофиқ малакали педагог кадрлар билан таъминлаш топширилди.

Ҳужжат билан 2011/2012 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини республика касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларига қабул қилишнинг умумий параметрлари тасдиқланди.

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳларини «Norma» МЧЖ юрисконсульти Абдураҳмон БАХТИЕВ тайёрлади.***

# ТАДБИРКОР ТАРМОҚҚА МУАММОСИЗ УЛАНСИН

***Тадбиркорлар фаолиятига тўсқинлик қилувчи ғовларни аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича таклифларни тайёрлаб борар экан, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Адлия вазирлиги, Ўздавэнергоназорат ва Ўздавнефтгазинспекция мутахассислари билан биргаликда кичик ва хусусий бизнес субъектларини электр энергияси, иссиқлик энергияси, газ таъминоти, сув таъминоти ва сувни чиқариб юбориш бўйича муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишга доир рухсат бериш таомилларини ўрганади.***



Ушбу мониторинг натижасида бир қатор муаммоларни аниқлашга эришилди. Тармоқларга уланишга техник шартлар бериш регламенти бузиляпти. Айрим ҳолларда уларни бериш 9-12 ойга чўзилади. Тармоқларга уланиш учун тадбиркорлик субъектларидан ҳақни асоссиз ундириш ҳоллари мавжуд. Чунончи, масалан, Фарғона вилоятида тадбиркорлар техник шартларни такрорлайдиган техник паспортлар берилишига ҳақ тўлашга мажбур бўлганлар. «Тошшаҳар ЭТК» ОАЖ раҳбарияти техник шартлар билан таништириш, электр тармоқлари жойлашган жойга чиқиш, далолатномани расмийлаштириш ва қоғозга чиқариш ҳамда унга тузатишлар киритиш учун қўшимча ҳақ ундиришни жорий этган. Баъзан тадбиркорларни ортиқча ҳужжатларни тақдим этишга мажбур қиладилар.

Мониторинг натижалари бўйича Монополияга қарши қўмита томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар кўрилади.

# ИСТЕЪМОЛЧИЛАР НИМАЛАР ТЎҒРИСИДА МУРОЖААТ ҚИЛИШМОҚДА?

***Жорий йилнинг январь—май ойларида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг (бундан кейин – Қўмита) ҳудудий органларига 877 та ёзма мурожаат ҳамда ишонч телефонларига 1 910 та мурожаат келиб тушди.***



Мурожаатларнинг 434 таси (50 фоиз) коммунал хизматлар соҳасига, 302 таси (34,4 фоиз) савдо ва умумий овқатланиш соҳасига, 65 таси (7,4 фоиз) транспорт, алоқа ва коммуникация хизматлари соҳасига ва қолган 76 таси (8,7 фоиз) бошқа хилма-хил муаммоларга бағишланган.

Коммунал хизматларга тааллуқли мурожаатларнинг 197 таси газ таъминотидаги муаммоларни ташкил қилиб, буларнинг 128 таси асоссиз қарз ҳисобланиши, 26 таси узоқ вақт таъминот йўқлиги ва узилишлар билан боғлиқ масалалардир. Шунингдек, электр таъминоти билан боғлиқ



81 та мурожаатнинг 41 фоизи асоссиз қарз ҳисоблаш юзасидан бўлса, иссиқлик таъминоти бўйича 20 та сигнал иссиқлик таъминоти ва иссиқ сув ҳароратининг пастлиги каби муаммолар билан боғлиқ.

Савдо ва умумий овқатланиш соҳаси бўйича 302 та мурожаатнинг катта қисми – 60 фоизи озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан боғлиқ. Мазкур муаммоларнинг 35 фоизни белгиланган нархлардан ошириб сотиш, 22 фоизини эса пластик карточкалар орқали тўловни қабул қилмаслик келтириб чиқарган.

Маиший техника савдоси масалалари бўйича 46 та мурожаатнинг 85 фоизининг сабаби нуқсонли товар сотилиши, кафолат муддатида товарни алмаштириб бермаслик ёки пулини қайтариб бермаслик каби муаммолар ташкил қилади.

Бундан ташқари, Қўмита ва унинг ҳудудий органларида ташкил қилинган ишонч телефонларига тушган 1 910 та мурожаатнинг 826 таси бўйича истеъмолчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган тегишли чоралар кўрилди, қолганлари бўйича эса тегишли тушунтиришлар берилди.

Қўмитанинг электрон портали орқали тушган мурожаатларнинг 25 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 21 фоизи алоқа хизмати, 17 фоизи ширкатлар хизматларига тўғри келади. Мазкур мурожаатларнинг 83 фоизи ҳал этилган бўлиб, қолганлари кўриб чиқилмоқда. Мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида идоравий сайтда хабар қилиняпти.

***www.antimon.uz сайти хабарларидан.***

Эълон

**БЕВОСИТА МУЛОҚОТ ЎРНАТИЛДИ**

*Солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларингизга телефон орқали жавоб берамиз.*
*Соат 10.00 дан 12.00 гача*
*Телефон:*



*уяли телефондан +99871*
*стационар телефондан 8371*
**200-00-59**

Хизматлар бепул

# ТЕКШИРИЛМАСЛИК ШАРТЛАРИ

***2014 йилга қадар текширилмайдиган компаниялар борлигини эшитдим. Уларнинг бирор-бир рўйхати борми? Унга қандай қилиб кириш мумкин?***

**М.Рахматуллаев.**

– Сиз назарда тутган шаклда компанияларнинг алоҳида рўйхати мавжуд эмас. Бироқ корхоналар – кичик бизнес субъектларининг рўйхатлари бор, улар Президентнинг 2011 йил 4 апрелдаги ПФ-4296-сон Фармонига[1] мувофиқ *(бундан кейин – ПФ-4296-сон Фармон)*:

1) 2011 йилги текширишларнинг мувофиқлаштирувчи режасидан бутунлай чиқариб ташланган;

2) 2011 йилги комплекс текширишлар режа-жадвалидан солиқ органлари ва айрим назорат қилувчи органлар чиқариб ташланган *(«СБХ»нинг 2011 йил 28 апрелдаги 17 (873) ва 5 майдаги 18 (874)-сонларида чоп этилган)*.

ПФ-4296-сон Фармон 1-бандининг учинчи хатбошисига мувофиқ **2011 йилнинг 1 апрелидан 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланади** (юридик шахсларни тугатиш чоғида, қўзғатилган жиноий ишлар доирасида, шунингдек бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ режадан ташқари текширишлар бундан мустасно).



Юридик шахс мазкур қоидага мувофиқ келиши учун у қуйидаги шартларга жавоб бериши, яъни:

кичик бизнес субъекти бўлиши;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаши;

ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаши;

тугатиш жараёнида бўлмаслиги;

бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан фойдаланмаслиги;

унинг мансабдор шахсларига нисбатан текшириш ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган жиноят иши қўзғатилмаган бўлиши керак[2].

*[1]«Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».*

*[2]Тилга олинган корхоналарнинг рўйхатлари, давлат назорати соҳасига ПФ-4296-сон Фармон билан киритилган ўзгартишларга, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказишнинг бошқа кўплаб масалаларига доир батафсил тушунтиришлар «Текширишлар: А дан Я гача» электрон маълумотнома тизимида мавжуд.*

Реклама

NORMA ЭКСПЕРТ МАЪЛУМОТНОМА ТИЗИМИ

**ТЕКШИРИШЛАР: А дан Я гача**

**Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:**

**Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майд., 10А-уй.**
**Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29.**
**E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz**

# ТЎЛАШ МУДДАТИ 90 КУН

***Берилган маҳсулот учун ички республика ҳисоб-китобларига кўра қарзнинг 30 кун ўтгандан кейин муддати ўтиб кетган қарз деб ҳисобланиши қайси асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланади?***

***Экспорт-импорт операцияларига нисбатан муддати ўтиб кетган қарзни эътироф этиш учун қандай муддатлар амал қилади?***

**Б.Тўрабоев,**
**«Салобат Нур» МЧЖ бош бухгалтери.**

– Президентнинг 1995 йил 12 майдаги ПФ-1154-сон Фармони[1] 2-бандига мувофиқ **республика доирасида етказиб берилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун дебиторлик қарзи товарлар ҳақиқатда юклаб жўнатилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб 30 кун эмас, балки 90 кун ўтганидан кейин муддати ўтган қарз бўлиб ҳисобланади.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарори[2] 4-бандига мувофиқ **экспорт операциялари бўйича қарз товарлар олиб чиқилган** (ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган) **пайтдан бошлаб жами 90 кун ўтгач, муассислар томонидан хориждаги корхоналар манзилига** (савдо уйлари, савдо ваколатхоналари, шуъба корхоналар, фирма дўконлари, дилерлик тармоқлари ва консигнация омборлари), шунингдек **Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг аъзоси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Палатанинг савдо-инвестиция уйлари манзилига олиб чиқиладиган товарлар бўйича эса 210 кун ўтгач муддати ўтган қарз деб ҳисобланади.**

Импорт операциялари бўйича контрактларни ҳисобга қўйиш ва улар ижроси устидан назоратни амалга ошириш тўғрисида низомнинг[3] 25-бандига мувофиқ пул маблағлари республикага ўтказилган ва товарлар «эркин муомалага чиқариш (импорт)» режимига биноан расмийлаштирилганидан кейин **180 календарь кун ўтгач** импорт контрактлари бўйича ишлар бажарилиши ва хизматл[illegible] кўрсатилиши ёки улар учун тўланган пул маблағларининг қайтарилиши **таъминланмаганлиги импорт операциялари бўйича муддати ўтган қарз деб ҳисобланади.**

*[1]«Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида».*

*[2]«Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида».*

*[3]ВМнинг 1996 йил 13 мартдаги 95-сон қарорига 1-илова.*

# БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИНИНГ ХОДИМИ КАСАЛ БЎЛСА...

***Бюджет ташкилотида касаллик варақаларига пул тўлашлари шартми? Гап шундаки, уларнинг ходимларига кўп ҳолларда бюджет пуллари йўқлигини баҳона қилиб касаллик варақаларига пул тўлашдан бош тортадилар. Бу қонунийми?***

**Л.Нигматулина.**

– **Ҳа, тўлашлари шарт.** Президентнинг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сон қарори[1] 4-бандининг учинчи хатбошисига ҳамда Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом[2] 1-бандининг еттинчи хатбошисига мувофиқ вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларини тўлаш билан боғлиқ харажатларни бюджет ташкилотлари меҳнатга ҳақ тўлаш фондига бюджет маблағлари доирасида амалга оширадилар.

**Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларини тўлаш харажатлари бюджет ташкилотларининг сметаларига киритилиши** ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида турган ташкилотларнинг харажатлар ва штат жадваллари сметаларини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом[3] билан белгиланган тартибда тасдиқланиши керак. Уларга Бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштириш (тўлаш) тартибига[4], Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидаларига[5] мувофиқ пул тўланади.

**Бюджет ташкилоти раҳбариятининг ўз ходимларига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларини тўлашдан «бюджет молияланмаётганлиги» боис бош тортиши қонун ҳужжатларига мувофиқ келмайди.**

*[1]«Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асоси[illegible] макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида».*

*[2]Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг АВ томонидан 2002 йил 8 майда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.*

*[3]Молия вазирининг АВ томонидан 2010 йил 19 ноябрда 2157-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.*

*[4]ВМнинг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори билан тасдиқланган.*

*[5]Молия вазирининг АВ томонидан 2009 йил 16 сентябрда 2007-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.*

# ОФИСНИ... ЎЗ ҲИСОБИМДАН ТАЪМИРЛАЙМАНМИ?

***Ташкилот ходимлардан улар ишлаётган хоналарни таъмирлашга пул ушлаб қолиш ҳуқуқига эгами?***

**– Фақат ходимлар бунга рози бўлсалар ва иш берувчига ўз иш хоналарини таъмирлашга иш ҳақидан пул ушлаб қолишлари тўғрисида илтимос қилинган ёзма ариза тақдим этган ҳолдагина** бунга ҳақли бўлади. Агар ходимлар бундай ариза бермаган бўлсалар, ташкилот мазкур маблағларни мустақил равишда мажбурий тартибда ушлаб қолишга ҳақли эмас.

Меҳнат кодексининг *(МК)* 164-моддасига мувофиқ меҳнат ҳақидан ходимнинг ёзма розилиги билан, рози бўлмаган тақдирда – суднинг ҳал қилув қарорига кўра ушлаш мумкин. Ходимнинг розилигидан қатъи назар фақат қуйидаги ушланмалар ушланади:

1) Ўзбекистон Республикасида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

2) суд қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини бажариш учун;

3) иш ҳақи ҳисобидан берилган бўнакни узиш учун, хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёки бошқа жойда ишлашга ўтказилиши муносабати билан берилиб, сарфланмаган ва ўз вақтида қайтарилмаган бўнакни узиш учун ва ҳисобдаги хатолар оқибатида ортиқча тўланган суммаларни қайтариш учун;

4) унинг ҳисобидан ходим таътил олиб бўлган иш йили тугашига қадар меҳнат шартномаси бекор қилинганида таътилнинг ишланмаган кунлари учун;

5) агар зарарнинг миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошмаса, ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни тўлаш учун;

6) меҳнат интизомини бузганлик учун жарима *(МК 181-моддаси биринчи қисмининг 2-банди)*.

Мазкур рўйхат батафсилдир. **Хоналарни таъмирлаш харажатлари** унга киритилмаган, бинобарин, улар **ходим учун ихтиёрий тўловлар тоифасига киради.**

Реклама

NORMA ЭКСПЕРТ МАЪЛУМОТНОМА ТИЗИМИ

**ИШ БЕРУВЧИГА ҚЎЛЛАНМА**

**КОРХОНА ЮРИСТИ**

**Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:**

**Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майд., 10А-уй.**
**Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29.**
**E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz**

***Телефон орқали саволларга «Norma» МЧЖ эксперт юридик хизматининг бошлиғи Артём МОКШИН жавоб берди.***

# ПЕНСИЯНИНГ БАЗАВИЙ МИҚДОРИ ҲИСОБИГА ДОИР...

*1999 йил охирида штат қисқартирилиши сабабли ишдан бўшатилдим. Бу вақтга келиб менинг стажим 30 йилни ташкил этарди. Меҳнат стажим етарлилигини билиб, иш ҳақи ҳам ўша даврларда катталигини ҳисобга олиб, бўлажак пенсиямдан хавотир олмасдан бир фирмага ишга жойлашдим, бу ерда оз миқдордаги иш ҳақига – ЭКИҲ 2 бараварига қаноатланиб ишладим. Бироқ 2009 йилда қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритилиб, уларга кўра пенсия ҳисоблаб чиқариш учун меҳнат фаолиятининг фақат охирги 10 йилининг 5 йили мобайнидаги иш ҳақи олинган бўлди. Бироқ, агар ушбу ўзгартишлар фуқаро учун фойдали бўлмаса, қонуннинг орқага қайтиш кучи амал қилиш керак эмасми?*

*Юқорида баён этилганлар асосида қуйидаги масалалар бўйича ойдинлик киритсангиз:*

*1. Пенсиянинг базавий миқдорини белгилаш учун ҳисоб-китоб қилиш чоғида қонунни ижобий томонни кўзлаб қўллаш мумкинми? Агар мумкин бўлса, мен, албатта, бошқа даврни олардим.*

*2. Армияда 1 йил хизмат қилиш 2 йилга тенг этиб ҳисобланадими?*

*3. Пенсиянинг базавий миқдорини белгилаш учун олинган дивидендларни ҳисобга олиш мумкинми?*

**Р.Идиев.**
**Зарафшон шаҳри.**



– **1. Мазкур ҳолда қонун орқага қайтиш кучига эга эмас.** Гап шундаки, бу муносабатларнинг аниқ соҳасини тартибга соладиган қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлса, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидалари орқага қайтиш кучига эга бўлади. Масалан, бу Солиқ кодекси *(СК)* ва Жиноят кодексида *(ЖК)* тўғридан-тўғри белгиланган. Чунончи, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни бекор қиладиган ёки енгиллаштирадиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга *(СК 3-моддасининг учинчи қисми)*. Қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга *(ЖКнинг 13-моддаси)*. Пенсия муносабатларини тартибга соладиган қонун ҳужжатлари ушбу соҳада қонунларнинг орқага қайтиш кучини назарда тутмайди.

**2. Умумий қоидага кўра – йўқ.** Бироқ айрим ҳолларда, масалан, нохуш иқлим шароитлари бўлган муайян туманда армияда хизмат қилиш ёки жанговар ҳаракатлар даврида хизматни ўташ Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланган тартибда бериладиган, мудофаа ишлари бўлимларининг маълумотномалари асосида имтиёзли ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга киритилиши мумкин.

**3. Олинган дивидендлар пенсиянинг базавий миқдорини белгилаш чоғида ҳисобга олинмайди, чунки ҳисоб-китобга фақат фуқароларнинг давлат ижтимоий суғуртасига ажратмалар қилинган даромадларигина олинади** *(«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг[1] 37-моддаси, бундан кейин – Қонун)*. Дивидендлардан эса, Солиқ кодексига кўра, ижтимоий суғуртага бадаллар ушланмайди.

# ДИРЕКТОР БЎЛГАН ЭДИМ

*Мен 2007 йилда пенсияга чиқдим. 2004 йил февралида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича туман инспекциясида МЧЖ рўйхатдан ўтказилган бўлиб, унинг таъсис ҳужжатларида мен жамият директори деб қайд этилган эдим. 2004 йил ноябрида ўз аризамга кўра директор лавозимидан озод этилдим (иштирокчилар йиғилишининг 2004 йил 28 ноябрдаги 2-сон қарори бор). Менга маълум бўлмаган сабабларга кўра инспекцияда МЧЖ раиси деб қайд этилганман. Жамият асос солинган кундан бошлаб ҳозирги вақтгача ҳеч қандай фаолият юритмаган, ҳисобрақам бўйича операцияларни амалга оширмаган.*

*Пенсия жамғармаси бўлимига келган текширувчилар 2007–2010 йилларда МЧЖ менинг номимга рўйхатдан ўтказилганлигини айтишди ва пенсиямни 50%га қисқартиришди. Бироқ мен унда ишламаганман ва моддий манфаатдор шахс бўлмаганман. Адолат юзасидан тўғри қилишдими?*

**Н.Эргашев.**

– Агар сиз пенсияга чиққан пайтдан бошлаб хатингизда кўрсатилган жамият билан меҳнат муносабатларида бўлмаган ва ундан даромад олмаган бўлсангиз, Пенсия жамғармаси бўлими ходимларининг ҳаракатлари ноқонуний, сиз улар устидан шикоят қилишингиз мумкин.

**50% миқдоридаги пенсия фақат ишлаётган пенсионерларга тўланади.** Сизни ишлаётган пенсионер деб эътироф этишлари учун меҳнат шартномаси бўлиши ёки бажарилаётган иш ёхуд тадбиркорлик фаолиятидан даромад олишингиз лозим.

Сиз жамият вакилларига унинг фаолиятида иштирок этмаганлигингизни тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этишларини, инспекцияда раис сифатида қайд этилишингизга олиб келган хатони тузатишларини илтимос қилиб мурожаат қилишингиз лозим. Даромад олмаганлигингизни солиқ органлари ҳам тасдиқлашлари мумкин. Бундан ташқари, агар сиз МЧЖ фаолиятида раис сифатида иштирок этишга розилик бермаган бўлсангиз, бироқ қаердадир қалбакилаштирилган имзоингиз мавжуд бўлса, сиз айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Сизнинг жамиятга дахлдор эмаслигингиз исботлангандан кейин, сиздан нотўғри ушланган суммаларни қайтариш талаби билан Пенсия жамғармаси бўлимининг қарори устидан суд тартибида шикоят қилишга ҳақлисиз.

*Мен 55 ёшда имтиёзли пенсияга чиқдим. Менга 155 500 сўм миқдорида пенсия ҳисоблаб ёзишди. Мен бунга рози эмасман. Саломатлигим учун зарарли меҳнат шароитидаги ишда 2000 йилгача ишлаганман, кам иш ҳақи олганман.*

*2000 йилдан бошлаб 2011 йил 1 февралгача иш ҳақи жуда оз бўлган турли ташкилотларда ишладим. Гарчи пенсияга кексалик туфайли эмас, балки имтиёз бўйича чиққанимга қарамай, менга пенсияни меҳнат фаолиятининг кейинги 10 йилидаги иш ҳақидан келиб чиқиб ҳисоблашди. Умумий меҳнат стажим 35 йилни ташкил этади. Имтиёзли пенсия қандай ҳисобланиши керак? У менга тўғри ҳисоблаб ёзилганми?*

**Н.Семихатов.**

# ПЕНСИЯГА ИМТИЁЗЛИ ЧИҚҚАНДА...

– Қонунга кўра пенсия базавий миқдор, иш стажи учун оширишлар ва устамалардан келиб чиқиб ҳисобланади.

**Базавий миқдор ўртача ойлик иш ҳақига боғлиқ,** у пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун, ишдаги танаффуслар мавжудлигидан қатъи назар, охирги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йил учун олинади *(Қонун 31-моддасининг биринчи қисми)*. Танлаб олинган 5 йилда олинган даромадларни қўшиш ва 60 га бўлиш керак. Ушбу тартиб барчага – пенсия умумий шартларда тайинланадиган ҳамда умумбелгиланган ёшни қамайтириб (имтиёзли шартларда) тайинланадиган кишиларга татбиқ этилади. Шу сабабли меҳнат фаолиятингизнинг охирги 10 йили мобайнидаги кетма-кет 5 йиллик ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоблаб чиқарилган. Ушбу даврда иш ҳақингиз кам бўлганлиги учун пенсиянгиз базавий миқдори ҳам кам бўлган.

**Иш стажи учун ошириш.** Пенсия тайинлаш учун талаб қилинганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун пенсияларнинг базавий миқдорлари пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун (ёшга доир пенсия учун) қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1%ига оширилади. Хатга илова қилинган маълумотлардан келиб чиқилса, сиз пенсия ёшини 5 йилга камайтириш ҳуқуқига эгасиз *(Қонун 12-моддаси биринчи қисмининг «б» банди)*. Умумий белгиланган ёшдан 5 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг[2] 3-рўйхати биринчи қисмига кўра сизга пенсия тайинланиши учун 25 йиллик иш стажи керак. Стажингиз 35 йилни ташкил этганлиги боис, 10 йил (35–25) учун пенсиянгизни базавий миқдордан 10%га ошириш (1% х 10) мумкин.

**Пенсияга устамалар** Қонуннинг 28-моддасида келтирилган.

Даромадингиз тўғрисида маълумотлар йўқлиги туфайли сизга пенсия тўғри ҳисобланган ёки ҳисобланмаганлигини айта олмаймиз. Бироқ ўзингиз юқорида келтирилган тушунтиришлардан фойдаланиб, ҳисоб-китобларни мустақил текшира оласиз. Агар сиз тайинланган пенсиянинг миқдоридан қониқмасангиз, Пенсия жамғармаси бўлими ёки судга мурожаат қилишингиз мумкин.

*[1]1993 йил 3 сентябрдаги 938-XII-сон.*
*[2]ВМнинг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган.*

# НОГИРОНГА – АТТЕСТАЦИЯЛАНГАН ЎРИН

*Мен Чернобилчилар уюшмаси туман бўлимининг раисиман, унда Чернобиль АЭСдаги фалокат оқибатида ногирон бўлган кишилар ҳам ишлашади. Сизлар газетангизда ЯИТ бўйича имтиёз ногиронлар учун аттестацияланган иш ўринлари мавжуд ва санитария-техник паспорт ва уларни ишга жойлаштириш бўйича ТМЭК хулосаси бўлгандагина қўлланишини ёзган эдингиз. Иш ўринларининг аттестациясини ким ўтказади? Агар ҳар бир ногирон қатнаб тавсия олса, унда ким ишлайди?*

**Р.Мансуров.**

– Ҳар бир ногирон ишга тушаётганида кадрлар бўлимига ногиронлик гувоҳномаси ва тиббий-ижтимоий экспертиза маълумотномасини (ёки **ўзининг шахсий реабилитация дастурини**) тақдим этиши керак, унда **шахс учун саломатлиги ҳолатига тўғри келадиган меҳнат фаолияти турлари ва иш шароитлари тўғрисида тавсиялар бўлиши керак.** Бундай экспертиза ногиронликни белгилаш чоғида ўтказилади, у навбатдаги қайта тиббий кўрикдан ўтказишдан кейин ўзгартирилиши мумкин[1]. Яъни ходимлар иш ўринларини аттестациялаш учун алоҳида қатнашлари ва тавсиялар олишлари керак эмас – улар ишга тушиш чоғидаёқ тавсияларга эга бўлишлари керак. Агар бирор-бир сабабларга кўра уларда бундай реабилитация дастури бўлмаса, иш ўринлари аттестациядан ўтказилишидан қатъи назар, уни олишлари лозим. Бунинг учун ногиронлар яшаш жойларидаги ТМЭКга мурожаат қилишлари лозим.

Ногиронлар меҳнатидан фойдаланадиган ташкилотлар иш ўринларини мустақил равишда аттестациядан ўтказишлари керак[2]. Бунда, раҳбар буйруқ чиқариб, унда доимо ишлайдиган комиссия таркиби, унинг асосий функциялари, аттестация ўтказиш муддатлари ва графикларини тайинлаши керак. Аттестация ваколатли ташкилотларни белгилаши ва белгиланган тартибда жалб этиши керак, айни улар ишлаётган ногиронлар меҳнат шароитларини ўрганиш бўйича ишларни бевосита бажарадилар. **Ногиронлар меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш ўринларини аттестациялаш бўйича асосий илмий-услубий муассаса бўлиб Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Меҳнатни меъёрлаштириш ва муҳофаза қилиш маркази ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг соҳага оид илмий-тадқиқот ин-**



**ститути ҳисобланади.** Иш ўринларини аттестациялашда ушбу ташкилотлар ходимларнинг уйи йиғмажилдларида мавжуд бўлган маълумотларидан фойдаланадилар. Улар ТМЭКдан қўшимча равишда тавсиялар олинишини талаб қилишга ҳақли эмаслар, ходимнинг умуман тавсияларга эга эмаслиги ёки у навбатдаги қайта тиббий кўрикдан ўтиш муддатини ўтказиб юборганлиги аниқланган ҳоллар бундан мустасно.

Иш ўринларини аттестациялаш натижалари бўйича ногиронларнинг меҳнатидан фойдаланадиган корхонанинг санитария-техник ҳолати паспорти расмийлаштирилади. У 3 йилда бир марта тўлдирилади.

*[1]Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида фуқароларни тиббий текширишдан ўтказиш ва ногиронликни белгилаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 2008 йил 8 августдаги 175-сон қарорига 13-илова) 12-банди.*

*[2]Ишлаб чиқаришда ногиронлар меҳнатидан фойдаланилганда иш ўринларини аттестациядан ўтказиш тартиби (Меҳнат вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1999 йил 18 ноябрда 839-сон билан рўйхатдан ўтказилган).*

***Жавобларни «Norma» МЧЖ юрисконсульти Мария ТУХТАРОВА тайёрлади.***

**«AMIR-AUDIT» МЧЖ**
аудиторлик ташкилоти
*28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия*
*ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси*

**Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини амалга оширади**

**Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш**

САР ва CIPA сертификатларига эга бўлган аудиторлар ишга таклиф этилади

058-09

**Тел. (+99897) 409-04-23, 296-55-78 факс (8371) 296-52-15**



**«NAZORAT-AUDIT» МЧЖ**
аудиторлик ташкилоти
*ЎзР МВнинг 28.07.2008 йилдаги 00067-сон лицензияси*

**Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари**

Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва молия қонун ҳужжатларига мувофиқ барча консалтинг хизматларини кўрсатамиз

Манзил: Тошкент ш., Гавҳар кўч., 124.
Тел. (8371) 279-47-16. Факс (8371) 279-44-01.
Уяли: (+99897) 402-05-00, 340-98-62, 335-19-67, (+99894) 663-77-74.
E-mail: ltd_nazorat-audit@mail.ru

*Вилоятлардаги алоқа боғлаш телефонлари:*
*Нукус (+99861) 357-43-26, Хоразм (+99862) 524-51-55, Сурхондарё (+99894) 461-32-70, Самарқанд (+99866) 777-01-63, Наманган (+99869) 258-57-97, Жиззах (+99872) 328-08-00*

009-11



ЭЪЛОНЛАР — ЭЪЛОНЛАР — ЭЪЛОНЛАР

**ИЖАРА**

«Тошкентмебель» МЧЖ майдони 1000 кв.м бўлган цехнинг ишлаб чиқариш биноси, майдони 420 кв.м бўлган 2 қаватли офис биносини ижарага беради. Жойлашган манзили: Тошкент ш., Олмазор тумани, Магазин-Мавзук кўч., 254А.
Тел. 248-19-80.

**АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ**

Аудит. Бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 570-18-64.

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*.
Тел.: 370-63-06, 263-77-29.

**ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР**

Дебиторлик қарзини ундириш. Юридик хизмат кўрсатиш. Хўжалик, жиноят ишлари*.
Тел. (+99897) 330-45-71.

**БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ**

Баҳолаш ва бизнес-режалар*. Тел. 430-56-00.

**ХИЗМАТЛАР**

Компьютерларга хизмат кўрсатиш.
Тел. (+99897) 438-41-22.

Компьютерларни таъмирлаш, шахсий компьютерларга техник хизмат кўрсатиш. Windows, дастурий таъминот ва Интернет ўрнатиш ва созлаш. Жойига чиқиш билан.
Тел.: (+99893) 577-44-56. Михаил.

**ТАРЖИМАЛАР БЮРОСИ:** юридик, техник, тиббиётга оид ҳужжатларни малакали таржима қилиш. Легаллаштириш.
Тел.: 252-38-71, 454-80-01.

Маиший техникани таъмирлаш.
Тел. (+99897) 437-07-23.

Сервис маркази: компьютерлар, принтерлар, мониторлар таъмирлаш, тўлдириш. Жойига чиқиш билан.
Тел. 903-73-93.

Ташкилий техникани таъмирлаш ва тўлдириш.
Тел. (+99897) 340-45-08.

Қурилиш-таъмирлаш ва пардозлаш ишлари.
Тел.: 244-86-80, 244-86-79.

Сметаларни жорий нархларда тузиш. Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалаштириш*.
Тел.: 244-86-80, 244-86-79.

***Хизматлар лицензияланган.**



ТЭР
ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!
top
237-51-33
237-47-20
237-47-05




**УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ РЕСТОРАН ТАНЛАНГ**
**www. restoran.uz**


**www.pc.uz - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф**


## Рўйхатлар

***Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 28 июндаги ҳал қилув қарорларига асосан Учтепа туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Рўйхатга олинган санаси ва рақами | | Юридик манзили | Қарор рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| "MALIKA ZAMIN" MCHJ | 301296059 | 30.11.2010 | 004072-01 | Заргарлик кўч., 3 | 10-1117/9921(21)-т |
| "RASUL ABDULLOH FAYZ" ХК | 206168761 | 15.05.2008 | 003710-01 | Чилонзор 22-14-39 | 10-1117/9915(21)-т |
| "ARGO EXPRESS SERVIS" ХК | 204638415 | 08.05.2009 | 002883-01 | Чилонзор 13-мавзе, Лутфий кўч., 27, 37-х. | 10-1117/9919(21)-т |
| "BAXODIR OSIYO GOLLAND BIZNES" | 300970843 | 06.03.2008 | 002061-01 | Шароф 3-тор кўч., 23 | 10-1117/9916(21)-т |
| "IBA KOSMETIK TE-HA-SERVIS" | 301045077 | 05.06.2009 | 002954-01 | Чилонзор 12-мавзе, 6а | 10-1117/9920(21)-т |
| "FLAF STONE" | 301052765 | 07.05.2009 | 002878-01 | Чилонзор 31-46-38 | 10-1117/9917(21)-т |
| "SAVRINISO SAVDO" ХК | 202476366 | 30.07.2010 | 003893-01 | Чилонзор 15-26-46 | 10-1117/9924(21)-т |
| "REAL MOBILE PLUS" MCHJ | 301647428 | 28.06.2010 | 003831-01 | Назарбек 2-тор кўч., 40а | 10-1117/9921(21)-т |
| "HOLIS HUQUQ SERVIS" MCHJ | 301332915 | 30.09.2009 | 003158-01 | Лочин кўч., 142 | 10-1117/9923(21)-т |
| "SHIRIN RAYHON" ХК | 301701051 | 17.09.2010 | 003964-01 | Чилонзор 14-мавзе, 4Б | 10-1117/9917(21)-т |

Мазкур корхоналарнинг тўртбурчак тамғаси ва думалоқ муҳрлари ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин. Ушбу корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги бўйича даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида Учтепа тумани Ҳокимияти биносининг 3-қаватидаги 4-хонасида қабул қилинади. Тел. 274-16-37.

***

Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги қуйидаги корхоналар бўйича тугатиш ишлари бошланган:

Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2004 йил 13 декабрда рўйхатдан ўтган "ABDULLAEV YANGI YOL" МЧЖ (СТИР 205296177) бўйича 2011 йил 31 майдаги таъсисчи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалиқ ш., Металлурглар кўчаси, 8-уй, 57-хонадон.

Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2007 йил 4 октябрда рўйхатдан ўтган "OLMALIQ-HUSHNUD TAOM" МЧЖ (СТИР 300583478) бўйича 2011 йил 12 майдаги таъсисчи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалиқ ш., Сари кул кўчаси, 20-уй. Телефон: +99893-182-11-00.

Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2010 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтган "UMSAR SERVIS" ХК (СТИР 301564294) бўйича 2011 йил 31 майдаги таъсисчи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалиқ ш., Шош илок кўчаси, 4-уй. Телефон: +99893-532-15-23.

Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2006 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтган "TRANS ELIKSIR" ХК (СТИР 204279554) бўйича 2011 йил 6 июндаги таъсисчи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Олмалиқ ш., 8 март кўчаси, 5а-56-уй. Телефон: +99893-532-25-29.

Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2009 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтган "SEVINSH BIZNES LUKS" ХК (СТИР 301421764) бўйича 2011 йил 6 июндаги таъсисчи қарорига биноан ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даъво ва аризалар 2 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: Бўка тумани, Г.Азамов қ.ф.й. Телефон: +99893-508-57-55.

**Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 30 майдаги ҳал қилув қарорларига асосан Олмалиқ шаҳридаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Қарор рақами |
|---|---|---|
| "LIEM MARKET" ХК | 300529621 | 11-1106/9507 |
| "OLMALIQ REAL" ХК | 301070729 | 11-1106/9505 |
| "ERMARUST BIZNES" ХК | 300545254 | 11-1106/9502 |
| "БИЗНЕС ИНКУБАТОР ТУРОН" ХК | 202035954 | 11-1106/9501 |
| "DIL-ZIYOD-LUX" ХК | 205605899 | 11-1106/9497 |
| "SARVINOZ PRESTIJ" ХК | 301135226 | 11-1106/9594 |
| "BEXRUZBEK-BIZNES-LYKS" ХК | 301432442 | 11-1106/9495 |
| "OLMALIQ PIRAMIDA" ХК | 206601895 | 11-1106/9492 |
| "XALIKOV OLMALIQ SAVDO" ХК | 300406030 | 11-1106/9514 |
| "AKISKA BUSINESS" ХК | 205254704 | 11-1106/9[illegible] |
| "ABZAL OTABEK-SERVIS" ХК | 300471324 | 11-1106/9516 |
| "KOBILJON PAY" ХК | 301316664 | 11-1106/9519 |
| "KAMROM-KOZIM-SERVIS" ХК | 206690881 | 11-1106/9525 |
| "KAMOL BIZNES OMAD" ХК | 301214705 | 11-1106/9522 |
| "FAZILATXON-BIZNES-OMAD" ХК | 301322175 | 11-1106/9523 |
| "MAXMUDBEK" ХФ | 202602461 | 11-1106/9490 |
| "MAVRA-STORY" ХФ | 204329894 | 11-1106/9503 |
| "ҲАМКОР" ХФ | 204034621 | 11-1106/9504 |
| "КУХИ НУР" ХФ | 202703502 | 11-1106/9509 |
| "ЧИНОР" ХФ | 203536232 | 11-1106/9515 |
| "БОБУР" ХФ | 202605655 | 11-1106/9524 |
| "МАЛИКА" ИК | 200603557 | 11-1106/9500 |
| "АРОФАТ" УЖМШ | 203622950 | 11-1106/9520 |
| "V-TEAM FUTURE ASIA" МЧЖ | 301212154 | 11-1106/9493 |
| "АТСО ХОКИМЯТА" ДБТ | 200603311 | 11-1106/9521 |
| "OLMALIQ-BAXT-QURILISH" МЧЖ | 300263076 | 11-1106/9496 |
| "XRUSTALNAYA PIRAMIDKA" ХК | 205262647 | 11-1106/9508 |
| "OLMALIQ SEKYURTI" МЧЖ | 206576484 | 11-1106/9517 |
| "OLMALIQ TRANS SERVIS" МЧЖ | 204979624 | 11-1106/9513 |
| "ARTUR-KONTAK-GRUP" МЧЖ | 300291668 | 11-1106/9511 |
| "MUXAMMAD MUSTAFO OGLI" ХК | 205314232 | 11-1106/9491 |
| "SIMSIMMOBILE" МЧЖ | 301101054 | 11-1106/9518 |
| "SAHAD MENSUJAT" МЧЖ | 300641033 | 11-1106/9510 |
| "EKIPAJ-AVTO-TRANS" МЧЖ | 300567307 | 11-1106/9506 |
| "DONIYOR" МЧЖ | 202521659 | 11-1106/9499 |
| "DELTA STAYN" ХК | 205794261 | 11-1106/9498 |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари, шунингдек Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат мобайнида Олмалиқ шаҳар ҳокимияти қошидаги махсус тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан Олмалиқ шаҳар ҳокимияти қошидаги Махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда Давлат реестридан чиқарилади. Тел.: 8-370-61-5-27-29.


Иқтисодий-ҳуқуқий газета
**НОРМА МАСЛАҲАТЧИ**
ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
**ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ**

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Мирobod тумани, Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: gazeta@norma.uz, normapress@mail.ru
www.norma.uz

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов



*Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди.*
*Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.*
*"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.*



Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPRINT" МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Мирobod тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 1103 Адади 3950. Баҳоси келишилган нархда
*Газета 2011 йил 1 июлда соат 18.00 да топширилди.*
*ISSN 2010-5223*